

Ҳожиларимиз она-Ватанга етиб келди



09:27 / 05.07.2023 1456

Шу йил, 4 июль куни дастлабки гуруҳ ўзбекистонлик ҳожилар она-Ватанга етиб келдилар.

Жидда-Тошкент йўналиши бўйича Тошкент халқаро аэропортига етиб келган юртдошларимизнинг барчалари соғ-саломат, кайфиятлари аъло даражада.

Ҳожиларимиз Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб, ҳаж амалларини мукамал адо этишди. Ибодатлар чоғида ҳожилар бугунги саодатли кунлар учун шукроналар айтиб, Яратгандан юртимизга қут-барака, халқимизга бахт-саодат, эртанги умидимиз бўлган фарзандларимизга нурли келажак сўраб дуолар қилдилар.

Эслатиб ўтамиз, ҳожиларимиз Ватанга қайтишлари шу йил 4-22 июль кунлари давом этади.

Юртимиз ҳожиларини ҳаж амалларини мукаммал адо этганлари билан муборакбод этамиз.

Барчаларининг ҳажлари мабрур айлашини Яратгандан сўраймиз.





Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Матбуот хизмати